

Юртимиздаги масжидларда таровиҳ намозини ўқиш вақтлари белгиланди



17:32 / 07.03.2024 5100

Рамазон ойи яқинлашган сари мўмин-муслмон халқимизнинг хурсандчилиги янада зиёда бўлмоқда. Шубҳасиз, қутлуғ ойга кўтаринки руҳ бағишлайдиган, шу ойга хос бўлган ибодат таровиҳ намозидир. Бу борада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Рамазон ойида иймон билан савоб умидида (таровиҳда) қоим бўлса, аввалги гуноҳлари кечирилади», деганлар.

Имом Бухорий ривояти.

2024 йил 10 март, якшанба куни хуфтон намозидан сўнг юртимиздаги масжидларда таровиҳ намози бошланади.

Мамлакатимизнинг 14 та ҳудудидаги масжидларда таровиҳ намози бошланиш вақтларини қуйида эътиборингизга ҳавола этамиз:

Фарғона вилояти	20:15
Наманган вилояти	20:15
Андижон вилояти	20:15
Тошкент вилояти	20:30
Тошкент шаҳри	20:30
Сирдарё вилояти	20:30
Жиззах вилояти	20:30
Самарқанд вилояти	20:45
Қашқадарё вилояти	20:45

Сурхондарё вилояти 20:45

Навоий вилояти 20:50

Бухоро вилояти 20:50

Хоразм вилояти 21:10

Қорақалпоғистон Республикаси 21:10